



712030. Farg'ona sh. Shamsutdinov - 16

tel. (3732) 24-50-06
fax: 24-18-31

712030. Ferghana city, 16 Shamsutdinov st

2004 йил 02 февраль
№ 3-20

Фарғона вилоят ички ишлар
бошқармасининг бошлиғи,
Х.Ғоибназаровга

Жиноят ишлари бўйича
Фарғона вилоят судининг раиси

Б.Исломовга

ТАҚДИМНОМА

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди томонидан жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг судьяси Т.Вахобовнинг 2003 йил 11 ноябрь кунги Таджибаева Муътабар Ибрагимовнага нисбатан маъмурий иш бўйича қароридан М.И.Таджибаеванинг норози бўлиб келтирган шикоятига асосан ишни кассация тартибда кўриб чиқилиши давомида ушбу ишни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш чоғида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Иш материалларидан кўринишича М.Таджибаева 2003 йил 20 август куни соат 11-00 ларда Олтиариқ тумани прокуратураси биноси рўпарасида бир неча шахслар билан биргаликда пикет уюштирган. Бу ҳолат бўйича М.Таджибаеванинг ҳаракатлари намойиш ўтказиш тартибини бузиш деб баҳоланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 201-моддаси 1-қисми билан маъмурий тартибда материал расмийлаштирилиб, бу материал туман судига юборилган. Туман судининг раиси Т.Вахобов ушбу материални кўриб чиқиб, М.Таджибаевани Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 201-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топиб, унга нисбатан 16.320 сўм жарима жазоси тайинлаган.

Ишни кассация тартибда кўриб чиқиш давомида М.И.Таджибаева 2003 йил 20 август куни соат 11-00 ларда Олтиариқ тумани прокуратураси биноси олдида М.Отақулова, Ю.Рўзиева ва А.Хазратқуловлар билан биргаликда Олтиариқ тумани прокуратураси ва туман хокимлиги раҳбарларини ишдан бўшатилишларини талаб қилиб, шу мазмундаги плакатларни кўтариб турганлиги, лекин кўчада бирор йўналиш бўйича юриш қилмаганлиги, жамоат тартибини бузмаганлиги аниқланди. Бундай ҳолатда М.Таджибаеванинг ҳаракатларини йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказиш тартибини бузиш сифатида баҳоланиши ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 201-моддаси 1-қисми билан малакаланиши мумкин эмас. Бироқ, бу ҳолатга етарлича эътибор бермасдан суриштирувчи У.Лутфуллаев М.Таджибаевага нисбатан маъмурий материал расмийлаштирган, судья Т.Вахобов эса маъмурий жарима жазосини тайинлаган. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2004 йил 2 февраль кунги ҳал қилув қарори билан жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг судьяси Т.Вахобовнинг 2003 йил 11 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 201-моддаси 1-қисми билан М.И.Таджибаевага нисбатан тўпланган маъмурий иш бўйича чиқарган қарори бекор

қилиниб, маъмурий иш ҳаракатдан тугатилган бўлсада, унгача юқоридаги ҳолат М.Таджибаевада турли тушунмовчиликлар ва эътирозлар юзага келишига сабабчи бўлди.

Юқоридагиларга биноан Сиздан бу ҳолатларни ўз раҳбарлигингиз остидаги тегишли ходимлар билан муҳокама қилиб, қайд этилганларга ўхшаш камчиликларнинг келгусида такрорланиши олдини олиш чораларини кўришингизни сўрайман.

Жиноят ишлари бўйича
Фарғона вилоят судининг судьяси



С.А.Исмаилов